

## Берувчи Аллоҳдир, инсон эса ношукрдир



17:34 / 05.05.2018 4528

**Ва У сизга барча сўраган нарсаларингиздан берди. Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангиз, саноғига ета олмассизлар. Албатта, инсон ўта золим ва ўта ношукрдир.**

Аввалги оятларда тилга олинган умумий неъматлардан ташқари, Аллоҳ бандаларига улар сўраган мол-дунё, фарзанд, сиҳат-саломатлик, роҳат-фароғат каби кўплаб неъматлардан ҳам беради. Хулоса қилиб айтилганда:

**«Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангиз, саноғига ета олмассизлар».**

Аллоҳ таолонинг инсонларга ато этган неъматларини замон ҳам, макон ҳам, саноқ ҳам қамраб ола билмайди. Хўш, маълум замонда, маълум маконда яшайдиган, маълум илмга эга одамлар қандай қилиб уларни

санай олади? Шундай бўлгач, барча инсонлар бу беҳисоб неъматлар учун ҳар доим ҳисобсиз шукрлар айтишлари керак эди. Афсуски, улар Аллоҳга ширк келтириб, кофир бўлиб юрибдилар.

**«Албатта, инсон ўта золим ва ўта ношукрдир».**

**Ва Роббингизнинг «Қасамки, агар шукр қилсангиз, албатта, сизга зиёда қилурман. Агар куфр келтирсангиз, албатта, азобим шиддатлидир», - деб эълон қилганини ҳам эсланг».**

Аллоҳ таоло қасам ичиб, таъкидлаган ҳақиқатни эслатмоқда:

**«Қасамки, агар шукр қилсангиз, албатта, сизга зиёда қилурман. Агар куфр келтирсангиз, албатта, азобим шиддатлидир».**

Шукр неъмат берувчи Зотга мақтов сўзларини айтиш ва ул неъматни Аллоҳнинг розилиги йўлида сарфлашдан иборатдир. Берилган неъматга шукр этиш инсоннинг тўғри йўлда - мустақим эканини кўрсатади. Шукр қилувчи инсон Аллоҳ таоло ўзини доимо кузатиб туришини ҳис этади ва неъмат етганда зоҳир бўладиган манманлик, исроф ва шунга ўхшаш салбий ҳолатлардан холи бўлади. Натижада ўзига берилган неъматлардан фойдаланиб, яхши амалларни кўпайтиради.

Неъматга куфронда бўлиш эса унинг Аллоҳ томонидан берилишини тан олмаслик, У Зотга ҳамду сано айтмаслик ва неъматни номаъқул йўлларда ишлатишдан иборатдир. Етган неъматга куфрон этиш уни берган Зотга - Аллоҳга куфр келтиришдир. Бундай одамлар «Менга неъматни Аллоҳ берди», демайди, балки «Унга ўз илмим, ҳаракатим ва усталигим туфайли эришдим», дейди. Шу сабабдан, ўзларидаги моддий имкониятларни ҳаром-хариш, манманлик, шуҳратпарастлик ва шунга ўхшаш салбий йўлларга ишлатадилар. Оқибатда қаттиқ азобга учрайдилар.

**Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф**

*(Тафсири Ҳилол китобидан)*